

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**“Сув таъминоти ва оқова сув  
объектлари қурилиши бўйича**

**инжиниринг компанияси” УК Жиззах**

**вилоят худудий бошқармаси бош  
муҳандиси**

**У.Сакиев  
2022 йил**



**“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг  
компанияси” УК Жиззах вилоят худудий бошқармасида ўтказилган танлов  
комиссияси аъзолари йиғилиш  
БАЁНИ № 13**

2022 йил “22”июль

Жиззах шахри

“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг  
компанияси” УК Жиззах вилоят худудий бошқармасининг 2022 йил 1 апрелдаги  
№3/1-сонли буйруғи билан тасдиқланган комиссияси аъзолари куйидаги таркибда,

**ҚАТНАШДИЛАР:**

Ў.Сакиев

- “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича  
инжиниринг компанияси” УК Жиззах вилоят худудий  
бошқармаси бош муҳандиси, комиссия раиси;

**Комиссия аъзолари:**

А.Тангриев

- Жиззах вилояти Давлат солиқ бошқармаси мутахассиси;

Ж.Хатамов

- "Жиззах сув таъминоти" МЧЖ директори ўринбосари;

Ш.Сайдахмедов

- Жиззах вилояти қурилиш бош бошқармаси мутахассиси;

А.Абдукаримов

- Танлов савдоларини ташкил этиш ва хўжалик-шартнома  
муносабатлари бўлими бошлиғи;

Ё.Бўронов

- Бирламчи рухсат берувчи, лойихавий ва танлов  
хужжатларини тайёрлаш бўлими бош мутахассис, комиссия  
котиби.

**Кун тартиби:**

“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг  
компанияси” УК Жиззах вилоят худудий бошқармаси буюртмачилигида  
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июндаги ПҚ-271-сонли  
қарори билан тасдиқланган 2022 йил “Манзилли дастури”га киритилган  
**“Жиззах шахри, Сайхон МФЙ худудидаги КСЗда оқова суви тармоғини ва  
оқова сув иншоотини қуриш”** обьекти лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича  
ўтказилган харид қилиш комиссиясининг танлов баённомалари асосида  
тузиладиган шартноманинг Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22  
апрелдаги ЎРҚ-684-сонли қонуни 62-моддаси талабларига мувофиқ тузилишини  
таъминлаш.

2022 йил 19 июлда “Etender.uzex.uz” электрон портали орқали ўтказилган “Жиззах шаҳри, Сайхон МФЙ худудидаги КСЗда оқова суви тармоғини ва оқова сув иншоотини қуриш” объектига лойиха ташкилотини танлаш бўйича харид килиш комиссиясининг Лот раками 22110012120009 сонли, 39 250 000 сўм билан “AZIZA-LOYIHA”МЧЖ ғолиб бўлганлиги тўғрисида танлов савдоси баённомаси расмийлаштирилган;

Комиссия котиби томонидан “Жиззах шаҳри, Сайхон МФЙ худудидаги КСЗда оқова суви тармоғини ва оқова сув иншоотини қуриш” объектига лойиха ташкилотини танлаш бўйича ўтказилган танлов савдоси юзасидан 2 иш куни мобайнида комиссия аъзоларига хеч қандай шикоят келиб тушмаганлиги тўғрисида ахбороти ўқиб эшиттирилди.

Комиссия аъзоларининг фикр-мулоҳазаларини эшитиб ва ўрганиб чиккан холда, танлов комиссияси

**Қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентиниг 2022 йил 6 июндаги ПҚ-271-сонли қарори билан тасдиқланган 2022 йил “Манзилли дастури”га киритилган “Жиззах шаҳри, Сайхон МФЙ худудидаги КСЗда оқова суви тармоғини ва оқова сув иншоотини қуриш” объектининг лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича “etender.uzex.uz” электрон портали орқали аниқланган “AZIZA-LOYIHA”МЧЖ билан 3 иш куни ичидаги шартнома тузилиши мақсадга мувоғик деб топилсин.

Йиғилиш баёни тўғри тузилган деб имзо қўювчилар:

А.Тангриев



Ж.Хатамов

Ш.Сайдахмедов

А.Абдукаримов

Комиссия котиби:

Ё.Бўронов

**Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича**

**ШАРТНОМА № 21**

**ЛОТ№ 22110012120005**

**2022 йил 22 июл**

**Жиззах шаҳри**

Ўзбекистон Республикаси “ЎЗСУВТАЪМИНОТИ” АЖ “Сув таъминоти ва оқава сув объектларини куриш бўйича инжинииринг компанияси” УК Жиззах вилояти худудий бошқармаси келгуси ўринларда “Буюртмачи” деб аталиб ҳамда 2022 йил 5 январдаги № 4-сонли ишончномага асосан иш юритувчи номидан бошкарма бошлиғи **М.Каратеев**, бир томондан ва «Азиза-лойиха» **МЧЖ** (кейинги уринларда «Ижрочи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор **А.Юлдашева** иккинчи томондан, мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар:

**1. Шартнома предмети.**

1.1. Мазкур шартнома бўйича Ижрочи Буюртмачининг топшириғида белгиланган шартларга мувофиқ "Жиззах шаҳар, «Сайҳон» МФЙ худудидаги КСЗда оқова суви тармоғини ва оқова сув иншоотини қуриш" обьекти бўйича амалдаги қонунчиликнинг ишларнинг шундай турига қўйиладиган талабларига жавоб берадиган ва фойдаланиш учун яроқли бўлган шахарсозлик хужжатларини (бундан кейинги матнларда “Лойиха” деб номланади) ишлаб чиқиш мажбуриятини, Буюртмачи эса техник топшириқ ва бирламчи маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиш ва тўлаш мажбуриятини зиммасига олади

1.2. Хизматлар курсатиш муддати:

Ишнинг бошланиши: **30** фоиз аванс маблаги утказилгандан кейин;

Ишни якунлаш: **20** иш куни.

**2. Шартнома бўйича ишлар қиймати ва ҳисоб-китоблар тартиби.**

2.1. Мазкур шартнома бўйича ишлар қиймати КҚС билан **39 250 000** (ўттиз тўқиз миллион икки юз эллик минг) сўмни ташкил этади. Мазкур маблағлар тегишли вазирлик ва идоралар томонидан “Манзилли дастур” тасдиқланганидан сўнг молиялаштириб берилади.

2.2. Ишлар қиймати очикдир. Ишлар қиймати “Шахарсозлик хужжатлари экспертизаси” ДУКнинг хulosасига кўра, лойиха қидирув ишларида белгиланганидан камайганида тўланадиган маблағ тегишлича Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлигининг 2019 йил 19 августдаги 396-сонли буйруғига асосан Лойихага ҳақ тўлаш мазкур шартномага қўшимча битим тузиш йўли билан ўзгартирилиши мумкин.

2.3. Мазкур шартнома бўйича ишлар қийматини тўлаш буюртмачи тарафидан ижрочининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- мазкур шартнома имзолангандан кейин бир ой давомида ишлар қийматидан 30% олдиндан тўлов;

- кейинги тўловлар – босқичма-босқич, Лойихани қабул қилиш-топшириш юқ хати имзолангандан сўнг 60 кун давомида, Лойихани асосланган рад этиш хати йўқ бўлган тақдирда.

2.4. Буюртмачи молия органи тарафидан молиялаштириш очилмаганлиги сабабли олдиндан тўловни ўтказиш мажбуриятини бажармаса, ижрочи қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартномани бекор қилиш хуқуқига эга.

2.5. Мазкур иш турларига молиялаштирувчи органлар тарафидан маблаг молиялаштирилмаган тақдирда «Буюртмачи» толов учун мажбуриятни зиммасига олмайди.

2.6 АРТ, Давлат хизматлари, ЗВОС лойихаси, қидирув ишлари ва геология, РСВ, гидрогеология хulosаси, ДАҚН ҳисботи, муаллифлик назорати, давлат ва экологик экспертиза хulosалари учун тўловлар “Ижрочи” тарафидан амалга оширилади.

### **3. Ишларни топшириш-қабул қилиш тартиби.**

3.1. "Жиззах шаҳар, «Сайхон» МФЙ худудидаги КСЗда оқова суви тармоғини ва оқова сув иншоотини қуриш" обьекти бўйича лойиҳалаш ишларини бошлаш санаси сифатида қуидаги талабларни бажариш санаси ҳисобланади:

3.1.1. Лойиҳалашга топшириқни қонунчиликда ўрнатилган тартибда тасдиқлаш ва келишиб олиш;

3.1.2. Тасдиқланган лойиҳалашга топширикка ҳамда лойиҳалаш ишларини тартибга солувчи меъерий ҳужжатларга мувофиқ буюртмачи лойиҳалаш учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни тақдим қилиши;

3.1.3. Тарафлар мазкур шартномага қўшимча ёзма битим тузиш йўли билан юқоридаги талабларни бажариш учун кетадиган вақтга мутаносиб равища лойиҳалаш ишларини бажариш календар муддатлари сурилиши мумкин.

3.2. Ишлар тугаллангандан сўнг ижрочи тайёр лойиҳани ёки унинг қисмини буюртмагига юқ хати бўйича топширади, лойиҳалашга топшириқ ва мазкур шартнома шартларида кўзда тутилган лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини тақдим қиласди.

3.3. Буюртмачи лойиҳани олганидан кейин қуидагиларни амалга оширишга мажбур:

3.3.1. Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаганидан кейин 30 кун давомида лойиҳани олиш ёки олишни рад этиш ва ижрочига рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни юбориш;

3.3.2. Лойиҳани олишни рад этиш сабаблари кўрсатилган хат ижрочига юборилгандан сўнг икки тарафлама далолатнома ёки қўшимча ёзма битим тузилади. Кўшимча ёзма битимда лойиҳадаги камчиликларни бартараф этиш ишлари рўйхати ва уларни бажариш муддатлари кўрсатилади;

3.3.3. Буюртмачи лойиҳани олишдан бош тортса (Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаса), рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни ижрочига юбормаса, лойиҳа буюртмагига тақдим этилган вактдан бошлаб унга топширилган ҳисобланади;

3.3.4. Агар буюртмачи лойиҳани текширмасдан қабул қилган бўлса, кейинчалик лойиҳада бирламчи ҳужжатлардан ва шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлигини аниқласа, бундай камчиликларни лойиҳани қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин ижрочини 10 кун муддатда ёзма равища огоҳлантириши ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

### **4. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.**

4.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

4.1.1. Лойиҳани тайёрлаш учун зарур бўладиган лойиҳалашга топшириқ ва бирламчи маълумотларни ижрочига тақдим қиласди;

4.1.2. Мазкур шартномада белгиланган миқдор ва тартибда ишлар қийматини ижрочига тўлаб беради;

4.1.3. Ижроидан олинган лойиҳадан фақат мазкур шартномада кўзда тутилган мақсадларда фойдаланиши, лойиҳани учинчи шахсларга бермаслик ва ижрочининг розилигисиз ундаги маълумотларни ошкора қилмаслик;

4.1.4. Зарурат туғилганда лойиҳани тегишли давлат органлари ва фуқарорларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб учун ижрочини жалб этиш;

4.1.5. Бирламчи маълумотларни ўзгартириш ёки ижрочига боғлик бўлмаган бошқа вазиятлар туфайли пайдо бўлган қўшимча харажатларни қоплаш (мазкур масала юзасидан тарафлар дастлаб ўзаро келишиб ва қўшимча битимни имзолашгандан сўнг);

4.1.6. Тайёр лойиханинг камчиликлари сабабли учинчи шахс тарафидан буюртмачига тақдим қилинган даъво бўйича жараёнда иштирок этиш учун ижрочини жалб қилиш.

4.2. Ижрочининг мажбуриятлари:

4.2.1. Лойихани ишлаб чиқиш учун буюртмачи тарафидан тақдим қилинган лойихалашга топшириқ ва бирламчи маълумотлардаги талабларга риоя этиш, уларга мувофиқ ва ўзи шахсан лойихалаш ишларини бажариши;

4.2.2. Буюртмачи тарафидан тақдим этилган хужжатларда хато ва камчиликлар борлиги аниқланса, буюртмачини шу тўғрисида зудлик билан ўрнатилган тартибда огоҳлантириши, буюртмачидан кўрсатмалар олингунча ишни тўхтатиши, буюртмачини ўз вақтида огоҳлантирмаган ижрочи келгусида буюртмачи тарафидан даъво қилинганда хужжатларда хато ва камчиликлар борлигини рўкач қилмаслиги керак;

4.2.3. Лойихани тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишишда буюртмачи билан биргаликда иштирок этиш;

4.2.4. Мазкур шартномада белгиланган муддатда сифатли, қурилиш меъёrlари ва қоидалари талаблари ва шахарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиши, келишиш ва тасдиқлаш тартибини белгилайдиган бошқа қонунчилик хужжатларига жавоб берадиган тайёр лойихани буюртмачига топшириш;

4.2.5. Буюртмачининг розилигисиз лойиха-смета хужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

4.2.6. Ўз ҳисобидан муаллифлик назоратини олиб бориш.

4.3. Буюртмачи қуидаги хукукларга эга:

4.3.1. Лойихадан фойдаланиш давомида унда камчиликлар борлиги аниқланса, ижроидан қуидагиларни талаб қилиш:

- ижрочи лойихадаги камчиликларни ўз ҳисобидан талаб қилинадиган муддатларда бартараф қилиш;

- шартномавий қийматни шунга мувофиқ миқдорда камайтириш;

- ижрочи лойихадаги камчиликларни ўз вақтида бартараф этмаганлиги сабабли буюртмачининг пайдо бўлган молиявий заарларини қоплаш;

- Лойихадаги камчиликлар жиддий ва уларни бартараф қилиш имконияти йўқ бўлса, буюртмачи шартномани бекор қилиши ва барча кўрилган молиявий заарлар қопланишини ижроидан талаб қилиш;

- «Ижрочи» ташкилотнинг айби билан лойиха хужжатларига кушимча иш хажмлари киритилган ва харажатлар аниқланган тақдирда «Уздавархитекткурилиш» кумитасининг 24.06.2008 йилдаги 50-сонли буйруги билан тасдиқланган ШНК 1.03.01-08 нинг 1.13.-банди 3-хатбошисига асосан бажарувчига туланган сумма тулиқ Давлат бюджети фойдасига олиб қуилади.

4.4. Ижрочи қуидаги хукукларга эга:

4.4.1. Буюртмачининг ёзма рухсати билангина лойихалаштиришга топшириқ ва бирламчи маълумотлардаги талаблардан чекиниш.

## 5. Тарафларнинг жавобгарлиги.

5.1. Тарафлар мазкур шартномада кўзда тутилган мажбуриятларини бажармаганлари учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлади.

5.2. Лойиха буюртмачи тарафидан қабул қилингандан кейин ижрочи кафолатли муддат давомида (10 йил) лойиханинг дастлабки камчиликлари ва лойихадан фойдаланиш мобайнида аниқланган камчиликлари учун жавобгардир. Шунингдек, ушбу камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф қилиши, агар камчиликларни бартараф қилиш имконияти бўлмаса, буюртмачининг заарларини тўлаб бериши керак.

5.3. Ижрочи лойихадаги камчиликлар учун (ушбу камчиликлар аниқланган вақтга боғлиқ бўлмаган ҳолда) қуидаги ҳолларда жавоб бермайди:

- Буюртмачи ижрочи билан келишиб олмасдан лойиҳалаш мобайнида лойиҳага кўйилган талаблардан чекинса ёхуд лойиҳалашга топшириқдаги бирламчи маълумотларни ўзгартирса.

5.4. Молия органи тарафидан молиялаштириш очилган бўлса ҳам буюртмачи лойиҳалаш ишларини ўз вақтида молиялаштирумаса, ҳар бир кечикирилган кун учун ўтказилмаган тўлов суммасидан 0,4 % миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида ўтказилмаган тўлов суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

5.5. Ижрочи лойиҳалаш ишларини ўз вақтида бажармаса, ҳар бир кечикирилган кун учун бажарилмаган ишлар суммасидан 0,5 % миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида бажарилмаган ишлар суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

5.6. Пеня ва заарларни тўлаш шартномани бузган тарафни шартномадаги мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

5.7. Тарафлар молиявий мажбуриятларни зиммаларига олмаслик шарти билан, биринчи тараф иккинчи тарафни 30 кун аввал ёзма равишда огохлантириб, мазкур шартномани муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

5.8. Шартнома муддатидан илгари бекор қилинган ҳолда, шартномани бекор қилиш ташаббуси билан чиққан тараф иккинчи тарафга мазкур шартнома бўйича ишлар қийматининг 10 % миқдорида жарима (неустойка) тўлайди.

## **6. Махфийлик.**

6.1. Ҳар бир тарафнинг фаолияти ёки тарафлар билан боғлиқ шахснинг фаолияти тўғрисидаги ошкора қилинмайдиган барча маълумотлар махфийdir. Тарафлар бундай маълумотларни бошқа шахсларга ошкора қилмасликлари, мазкур шартномани бажариш билан боғлиқ мақсадлардан бошқа мақсадлар учун фойдаланмасликлари керак.

## **7. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш.**

7.1. Мазкур шартноманинг 10.1-бандида кўрсатилганидек, шартноманинг амал қилиш муддати тугаши билан тарафларнинг шартномадаги мажбуриятлари тугайди.

7.2. Тарафлар ўртасидаги ёзма келишувга асосан шартнома ўзгартирилиши ёки муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин.

7.3. Мазкур шартномага қўшимча битим тузилган ёки келишмовчилик баённомаси кўринишидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган ҳамда тарафлар (ёки тарафлар номидан вакиллар) томонидан имзоланганидан кейин юридик кучга эга бўлади.

7.4. Конунчиликда ёки мазкур шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам мазкур шартнома ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

7.5. Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарлиқдан озод этмайди.

## **8. Низоларни хал этиш.**

8.1. Мазкур шартноманинг матнида ечимини топмаган масалалар бўйича тарафлар ўртасида пайдо бўлиши мумкин бўлган низолар ва турли талқинлар амалдаги қонунчилик асосида музокаралар ўтказиш йўли билан хал этилади.

8.2. Музокаралар ўтказиш йўли билан низолар хал этилмаса, ўрнатилган тартибда Жиззах туманлараро иктисодий судида кўриб чиқилади.

## **9. Форс-мажор.**

9.1. Кўзда тутилмаган ва келиб чиқишини бартараф этиб бўлмайдиган фавқулодда хусусиятга эга форс-мажор вазиятлари пайдо бўлганда тарафлар мазкур шартномадаги мажбуриятларини бажармаганлари учун жавобгар эмасдирлар.

Фавқулодда вазиятлар сифатида қуидагилар тушунилади: табиий талофатлар, ёнгин, сув тошқини, шторм, уруш ва уруш ҳаракатлари, қамаллар, қўзғолонлар, саботаж, миллатчилик тусга эга ғалаёнлар, эмбарго, давлат органларининг таъкиқлашлари ва шартнома тузилганидан кейин пайдо бўлган тарафлар назоратидан ташқаридаги бошқа вазиятлар.

9.2. Форс-мажор вазиятлари пайдо бўлиши муносабати билан мазкур шартномадаги тарафлар мажбуриятлари бутунлай бажарилмаса ёки қисман бажарилса, мажбуриятларни бажариш муддатлари бундай вазиятлар таъсир этиши вақтига мутаносиб равишда узайтирилади.

## 10. Бошқа шартлар.

10.1. Мазкур шартнома Жиззах вилояти Газначилик бошқармасида руйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил «31» декабргача амал килади.

10.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди. Битта нусхаси буюртмачида, иккинчи нусхаси эса ижро чида сакланади.

## 11. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

### БУЮРТМАЧИ:

Ўзбекистон Республикаси  
“ЎЗСУВТАМНОТИ” АЖ “Сув  
таъминоти ва оқава сув обьектларини  
куриш бўйича инжиниринг компанияси”  
УК Жиззах вилояти худудий бошқармаси  
Жиззах ш. Кимёгар махалла Тўқимачилар  
кўчаси 2 уй. Тел./факс 222-82-41,  
шғҳ: 301121860084017063201110149  
ИНН: 305978471 ОКЭД 42210

Жиззах вилоят Газначилик бошқармаси  
ЯФХ 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент  
шахар Боз бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса  
маркази (ХККМ)  
МФО: 00014 ИНН: 201122919



*Мурод*  
(имзо)

М. Каратаев  
(ФИШ)



### ИЖРОЧИ:

ООО «АЗИЗА-ЛОЙИХА»

Адрес: г.Джизак ул. А. Навоий 5А

Тел.: сот. +998 93 940-00-21

гор. 226-92-92

р/счет: 2020 8000 7043 1497 1001

в АТ «Алока банк» Тошкент

шахар Боз оғис

МФО: 00401

ИНН: 204 904 155

ОКЭД 71120

А.Юлдашева  
(ФИШ)

### ХУҚУҚИЙ ХУЛОСА:

Мазкур шартнома Узбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги Конуни талаблари асосида тузилган. Хўжалик шартномаси шартлари, унда тарафларнинг жавобгарлиги хамда низоларни хал этиш тартиби амалдаги конунчилик талабларига мос келади.

Хукукий экспертиза натижасига кура куйдагилар аникланди:

1. Шартнома Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунлари талабларига мувофиқ тузилган. Такдим этилган шартнома шартлари конунчилик талабларига жавоб беради. Шартнома буйича юзага келган хар кандай холат Узбекистон Республикасининг Фукаролик кодекси хамда “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги Конуни билан тартибга солинади.

2. Шартнома буйича тарафларнинг ўз мажбурятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги окибатида юзага келадиган жавобгарлик Узбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъетлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги Конунинг 24-34, 36-моддалари талабларига мос келади.

Бошқарма хукуқшуноси

*Д.Уралов*



**Күришиши бүнчилгийн инжиниринг компанийн** "УК Жиззах виляатын худуудын бишккармасы буортмаачыгидаги  
агаты Сув тальминоти ва канализация тизимларин ривожлалтириш жамгармаси хисобидан  
зонаас ичимлийк сув тальминоти ва окова сув тизимларынын төмөнгийн 2022-ийн учун  
(Үзб. Рес. Президенттанин 06.06.2022 шоддаги ПК-271-сон карору)

МАНЗИЛЛИ РҮЙХАТИ

№	Кодынанын башка таралышы	Объекттеги көмүрлөгөнүү күйүмчилгөн жөнүлдүүлүштөрдөн түзүлүп жатырылған	Күрделлилүү башка таралышы	2022 йылдын күйүмчилгөн жиһиттүүлүктөрдөн					
				шүү жумалдан			2022 йылдын күйүмчилгөн жиһиттүүлүктөрдөн		
1	1	01.01.22 й., жолчына бөлгөн иштеге бийттүүлүк объекттеги көмүрлөгөнүү күйүмчилгөн жөнүлдүүлүштөрдөн түзүлүп жатырылған	01.01.22 й., жолчына бийттүүлүк объекттеги көмүрлөгөнүү күйүмчилгөн жөнүлдүүлүштөрдөн түзүлүп жатырылған	Күрделлилүү башка таралышы	Жама жолчына бийттүүлүк объекттеги көмүрлөгөнүү күйүмчилгөн жөнүлдүүлүштөрдөн түзүлүп жатырылған	Жама жолчына бийттүүлүк объекттеги көмүрлөгөнүү күйүмчилгөн жөнүлдүүлүштөрдөн түзүлүп жатырылған	Мудакат/ куват	Асасин фонд сүймөсү	Төмөрлөөнүү байланыс байланыс байланыс
2	2	9,5 км 3 объект	7,3 км, 2 объект	9,5 км 3 объект	7	8	9	10	11
3	10	Жиззах вилаети бүйнчика жамы:	Еңшар саноат на газдыркорлик зонасы	9 400,00	437,96				
4	1	Дүстүрлүк түмнин Саноатчылар МФБЙ худудидагы ЕСТЗ да ичимник сүни тармогони күрши*	2022 й 0,7 км	6 700,00	336,96				
5	2	Дүстүрлүк түмнин Саноатчылар МФБЙ худудидагы ЕСТЗ да окоя сүни тармогони күрши*	2022 й 0,2 км	600,00	28,00				
6	3	Дүстүрлүк түмнин Саноатчылар МФБЙ худудидагы ЕСТЗ да ичимник сүни тармогони күрши за 2-күттәрмас наосинин франтиш*	2022 й 0,3 км, 1 объект	1 000,00	40,00				
7	4	Зарбодор түмнин Янгиюсөй МФБЙ худудидагы ЕСТЗ да окоя сүни тармогони күрши за 1 дөнә хандык көзшүү (нытроб) *	2022 й 0,6 км	500,00	25,00				
8	5	Зарбодор түмнин Мирзадала МФБЙ худудидагы ЕСТЗ да ичимник сүни тармогони күрши за 1 дөнә хандык көзшүү (нытроб) *	2022 й 0,6 км	800,00	34,00				
9	6	Мирзагүл түмнин Мирзадала МФБЙ худудидагы ЕСТЗ да окоя сүни тармогони күрши*	2022 й 1,0 км	500,00	35,35				
10	7	Танылов (төмөрлөө) саноатдары оркыл аныксанды	Танылов (төмөрлөө) саноатдары оркыл аныксанды		24,00				
11	8	Танылов (төмөрлөө) саноатдары оркыл аныксанды	Танылов (төмөрлөө) саноатдары оркыл аныксанды		25,35				
12	9	Танылов (төмөрлөө) саноатдары оркыл аныксанды	Танылов (төмөрлөө) саноатдары оркыл аныксанды		50,16				
13	10	Танылов (төмөрлөө) саноатдары оркыл аныксанды	Танылов (төмөрлөө) саноатдары оркыл аныксанды		40,16				



Създаването на обекта е на  
инженерни компании  
и изпълнители  
във фирмата "Балкан-Макадам"  
на 2022 г.

**“Келинилди”**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Молия вазирларини**

**“Келинди!”**  
Ўзбекистон Республикаси  
Ижтисомий тарасоет ва камбарданини  
кенгаричлик замонини  
2022 йил “ ”

~~Wm. H. Smith~~

*John -*